

## **Коррупсияга қарши курашиш йўлида амалга оширилган ишлар сарҳисоби**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида”ги УРҚ-419 сонли қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида коррупсияга қарши курашиш сиёсати, ходимлар орасида коррупсияга қарши курашиш маданияти даражасини кучайтириш, амалга оширилаётган ишлар мақсадлилиги ва самарадорлигини янада ошириш, “Фуқаролар меҳнат органларидан рози бўлиши керак” тамойилини сўзсиз амалга оширишни давом эттириш ҳамда коррупсияга қарши курашиш ва унинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 21 октябрдаги 195-ич-сон буйруғи қабул қилиниб, буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг коррупсияга қарши курашиш сиёсати, тизимда коррупсияга қарши курашиш дастури ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом тасдиқланган. Шунингдек буйруқ билан коррупсияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган мутахассис лавозимини жорий этиш, вазифаларини белгилаш билан биргаликда бир қатор топшириқлар белгиланган. Шу асосда Хоразм вилоят Бандлик бошқармасининг 2020 йил 26 октябрдаги 280-ИЧ буйруғи билан Хоразм вилоят Бандлик бош бошқармасининг коррупсияга қарши курашиш сиёсати, бош бошқарма тизимида коррупсияга қарши курашиш дастури ва бош бошқарма тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупсияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупсияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупсияга қарши мурасим муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупсиявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6257 Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупсияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177 қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупсияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81 қарори асосида Хоразм вилоят Бандлик бош бошқармаси коррупсияга қарши курашишнинг асосий принциплари қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилиқ, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупсиянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминлаш борасида вазифаларни бажариб келмоқда.

Хусусан бош бошқарма тизимида коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши профилактик тадбирларни олиб бориш;

Бош бошқарма тизимида коррупсияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

Коррупсияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш;

Бош бошқарма тизимида коррупсияга қарши курашиш бўйича чоратадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Бош бошқарма фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупсиявий нормаларни бартараф қилиш;

Бош бошқарма тизимида коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

Бош бошқарма тизими ходимлари томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш;

Махсус ахборот алоқа каналлари орқали Бошқарма тизими ходимлари томонидан коррупсиявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилиш ва ўрнатилган тартибда чоралар кўриш;

Коррупсия фактлари юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

Давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилишини олдини олиш;

Бош бошқарма тизими ходимларига коррупсияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар бериш каби долзарб вазифалар амалга оширилмоқда.

Жумладан бош бошқарманинг “Комплаенс назорат” шўбаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жамиятимизда коррупсия ҳолатлари билан курашиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупсияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш, давлат органлари зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупсия хавф-хатарларини вақтида аниқлаш, коррупсия хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функцияларининг рўйхатини шакллантириш, идоравий коррупсияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга ошириш ва коррупсиявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўриш мавзусида туман, шаҳар АБКМларнинг ва КХЎМ ходимлари билан 16та давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Бош бошқармада ишловчи ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган яқин қариндошлик ҳолатлари ходимларининг шахсий ҳужжатлари орқали ўрганиш ўтказилди. Бош бошқарма ва АБКМларда аноним сўровномалар ўтказилди.

Меҳнат органлари фаолияти ва ходимлари юзасидан, шунингдек коррупсияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари ёратилган. Бош бошқармада, туман шаҳар АБКМларда ва КХЎМларининг кириш ва кўринадиган жойларига бош бошқарманинг оператив жавоб бериш телефон рақамлари кўрсатилган банерлар илинган. Шунингдек телеграммда Хоразм вилоят Бандлик бош бошқармасининг расмий канали фаолият кўрсатапти. Бош бошқарманинг ўзининг веб сайти мавжуд. Алоҳида эътибор оғзаки мурожаатларга қаратилмоқда, ҳар бир мурожаатга жавоб берилиши катъий назоратга олинган.









